

ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ БОШ ОМИЛИ – ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК

**Албатта, тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик
ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиз шу
мусаффо осмонни сақлаш, асраш учун кураши-
шимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркор.**

Ислом КАРИМОВ

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА,
Қашқадарё вилояти халқ таълими
ходимларини қайта тайёрлаш ва мала-
касини ошириш институти ректори,
филология фанлари номзоди, доцент
Тоҳир ҚУРБОНОВ,
Фалсафа фанлари номзоди, доцент**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 30 июнь – 1 июль кунлари Қашқадарё вилоятида ташриф буюриб, “Тинчлик, осойишталик ва халқимиз бирдамлигининг самаралари” мавзuidaги маърузаларида таъкидлаганларидек, “Қашқадарё буюк Соҳибқирон Амир Темурни вояга етказган замин. Бу ерда у зотнинг авлодлари – ғурури баланд, мард ва танги одамлар яшайди”, Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат ва изчил ислохотлар самарасида халқимиз турмуш даражасида муттасил юксалиб бораётгани қайд этилди. Чунончи, Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum) иқтисодиёти энг тез ривожланаётган 13 та давлат номини эълон қилди. Ана шу 13 та давлатдан Ўзбекистон **БЕШ**инчи поғонани банд этди. Эътиборли жиҳати мазкур рейтинг ҳар бир кўрсаткичи қайта-қайта текширадиган нуфузли экспертлар томонидан тузилган.

Ислохотларнинг самараси ва муваффақиятининг мустаҳкам замирида нима турибди? Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берган

машхур **БЕШ** тамойили! Бугун бутун жаҳонда “**Ўзбек модели**” деб номланган ана шу тамойилларнинг узвийлиги, пишиқ-пухталиги, ҳеч кимдан андоза олинмагани жихатдан заргарона санъатга қиёсланаётгани ҳам бежиз эмас. World Economik Forum мутахассислари шунинг учун ҳам мазкур моделнинг муаллифига **БЕШ** кўйиб турибди. Чунки бу узвийликнинг тағ-замирида инсон манфаати, Ўзбекистон халқи манфаати мужассам.

Дунёнинг қайси давлати бўлишидан қатъи назар мустақилликнинг энг буюк тухфаларидан бири мамлакатда тинчлик-осойишталикнинг таъминланиши билан боғлиқ. Жаҳонда содир бўлаётган жараёнлар, ҳозирги замон цивилизациясининг тенденциялари нуқтаи назаридан фикрлаганда, тинчликнинг таъминланиши энг бебаҳо неъмат, мамлакат раҳбари ва ҳукумати олиб борган сиёсатнинг муваффақиятидир.

Бани башар яралибдики, дунёнинг у ёки бу нуқтасида муттасил урушлар содир бўлиб турган. Шу боисдан кўпгина Ғарб мутафаккирлари, хусусан, Освальд Шпенглер урушни «олий инсон борлигининг абадий шакли» сифатида талқин этади. У шундай ёзади: «Тинчлик – истакдир, уруш эса факт; инсоният тарихи ҳали ҳеч қачон инсоний истак ва идеаллар учун қайғурмаган... Инсоният бор экан, урушлар ҳам бўлиши аниқ».

Бироқ урушни инсон борлиғи билан боғлиқ зарурият деб қараганда ҳам ижтимоий тараққиёт давомида унинг қиёфаси ўзгара боришини инобатга олишимиз керак. Уруш – конкрет-тарихий реалликдир. Бошқача айтадиган бўлсак, замонлар ўтиши билан урушнинг шакли ва кўлами давр манфаатларига монанд равишда ўзгара борди.

Бизнинг давримизга келиб, уруш мутлақо даҳшатли қиёфа касб этди. БМТ маълумотларига кўра, кейинги 10 йил мобайнида урушлар оқибатида **2 миллиондан** ортиқ бола ҳалол бўлгани, **6 миллиони** эса майиб-мажруҳга айланган. Таҳлилчилар Иккинчи жаҳон уруши якунлаганидан бери то шу кунгача **150** дан ортиқ маҳаллий ва этник низолар, кенг миқёсда тўқнашувлар юз берганини таъкидлашяпти. Қуролли можроларга **8-9** ёшли болаларнинг ҳам жалб этилиши жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда Ер юзида сайёрамизни бир неча бор яксон қилишга етадиган қурол-яроғ тўпланганига қарамасдан, ҳарбий заводлар ўз фаолиятини зинҳор сусайтиргани йўқ. Ҳозирги замондаги биргина тактик ядро қуролининг қудрати иккинчи жаҳон уруши давомида қўлланилган барча қурол-яроғларнинг қудратидан 30 марта ошиқ.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган ядро қуролларининг қудрати янада дахшатлироқ. Хиросимага ташланган бомбасининг энергияси 20 килотоннага тенг бўлган бўлса, ҳозирги замон ядро арсеналлари ундан миллион марта кучлироқ (!).

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида қуролланиш пойгасининг авж оли-ши, айниқса унинг мафкуравий характер касб этиши аср сўнггига келиб шун-док ҳам ёрқинроқ намоён бўла бошлаган тинчликни сақлаш муаммосини янада чигаллаштириб юборди. Ўтган асрнинг 90-йилларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар масаланинг моҳиятини ўзгартиргани йўқ. Фикримизнинг исботи сифатида Америка Қўшма Штатларида янгидан барпо этила бошланган ракета ҳужумига қарши муҳофаа системасини келтиришимиз мумкин.

Термоядро қуролига эътиборнинг кучайишини унинг уч техник аспекти билан боғлашимиз мумкин. Биринчидан, ушбу қуролларнинг вайронкорлик қудрати ниҳоятда беқиёски, бугунги кунда ўз қуролли кучларини замонавийлаштиришга интилган ҳар бир мамлакат ишончли восита сифатида унга мурожаат этаверади. Иккинчидан, ушбу типдаги қуроллар нисбатан арзон ҳисобланади. Табиийки, бунда уларни тайёрлашга кетган маблағ билан шу қурол-яроғларнинг реал қудрати ўртасидаги мутаносиблик назарда тутилмоқда. Учинчидан, ушбу қуроллар ёрдамида амалга оширилган ҳарбий таҳдид ёки ҳужумдан ҳимояланишнинг қарийб иложи йўқ. Шу сабабдан ҳам катта энергия сарфланишига қарамасдан, узоқ йиллар давомида кўпчилик давлатлар ушбу воситаларга қайта-қайта мурожаат этишмоқда.

Мамлакатларнинг ҳарбий қудрати ошиб бораётган, қурол-яроғ омборхоналари зудлик билан тўлиб бораётган, табиий бойликлар ва энергия манбалари учун кураш кучаяётган бир шароитда миллатнинг тинч-осуда

ҳаётини сақлаш учун йил сайин кўпроқ саъй-ҳаракат, маблағ тақазо этилмоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатлар ўз диёрларида тинчликни таъминлашга катта куч сарф қиладилар. Масалан, АҚШда фақатгина мамлакат тинчлигига таҳдид солувчи маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан 30 мингдан ортиқ мутахассис шуғулланади.

Янги аср бўсағасида халқаро майдонда туб ўзгаришлар содир бўлса-да, дунё тинчлигига таҳдид солувчи хавф-хаиарлар, зиддиятлар сақланиб қолди. Хусусан, турли даражада ривожланган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий нотенглик ва зиддиятлар янада ўсди. Мамлакатлар ўртасида илмий-техникавий билимлар, илғор технология, эркин сармояларни тўплаш ва жойлаштиришда ҳамон тафовутлар катта. Дунёнинг катта қисмида иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар мавжуд. Бир қатор минтақаларда, ҳатто бир мамлакат фуқаролари ўртасида миллий-этник ва диний низолар келиб чиқиб, можароларга, қонли урушларга айланмоқда. Минтақавий можаролар туфайли 30 миллионга яқин киши ўзи яшайдиган жойларни ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлдилар.

Бундан ташқари, умумий, минтақавий ва миллий хавфсизликка терроризм, айирмачилик ва диний экстремизм таҳдид қилмоқда. “Совуқ уруш” сиёсатига чек қўйилиши ялпи ядро уруши хавфини камайтирган бўлса-да, бу турдаги оммавий қирғин қуроллариининг кўп миқдорда сақланаётгани, ядро қуролига эга мамлакатлар сони кўпайиб бораётгани дунё узра умумий хавфсизликка жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда.

Бизни куршаб турган олам ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб турган бир вазиятда тинчликнинг нақадар олий неъмат экани яққол билинади...

Мустақиллик йилларидаги муваффақиятларимиздан бири мамлакатимизни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқадиган, чуқур ўйланган стратегия ишлаб чиқилгани ва амалга оширилгани билан боғлиқ. Тараққиётнинг “**Ўзбек модели**” номини олган бу стратегия мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар самарасини таъминлай олди. Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг йилига 8 фоиздан кам бўлмаган даражада ўсиб бораётгани ҳам

ана шу “Ўзбек модели”нинг натижасидир. Шу боисдан мазкур моделга жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ортиб бораётир. Интернет сайтларида ижтимоий тараққиётнинг **“Ўзбек модели”**га бағишланган 1 миллиондан ортиқ материал борлиги ҳам шундан.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг жамиятни демократлаштириш учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, иқтисодий соҳада бозор муносабатлари жорий қилинди, кўп укладли иқтисодиёт асослари шакллантирилди. Сиёсий соҳада ҳуқуқий давлат барпо этиш сари дадил қадамлар қўйилди, кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизим фаолият кўрсата бошлади. Ижтимоий соҳада илк бора инсон эҳтиёжлари ва манфаатларининг устуворлиги тан олинди, барча фуқаролар ишончли ижтимоий кафолатлар билан таъминланди. Маънавий соҳада миллий қадриятлар, урф-одатлар, расм-русумлар, маросимларнинг тикланиши учун замин яратилди, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлик механизмини мус-таҳкамлаш борасида салмоқли ишлар қилинди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, аввало, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи – юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимизда...

Миллатимизнинг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятларини шарҳлашни яна узоқ давом эттириш мумкин. Бироқ гап фақат ютуқларни таҳлил қилишда эмас. Гап ана шу муваффақиятларнинг туб моҳияти ва сабабларини англаб, кадр-қимматини билишда, улардан руҳланиб, Ватан равнақиға ҳисса қўшишдадир.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Албатта, тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиз шу мусаффо осмонни сақлаш, асраш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркор”.**

Иккинчидан, ҳар қандай кескинлик, қарама-қаршилик ва офат келиши ўзоқдан англаб, уларнинг олдини олишга доимо ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишимиз, бепарволикка, беғамликка йўл қўймаслигимиз зарур.

Учинчидан, кундалик ҳаётимизда сабоқ чиқариб, эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини бугун яратиб, бу Ватан меники, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашмасам, ким курашади, деган даъват билан яшаш барчамизнинг, авваломбор, ёшларимизнинг – менинг фарзандларимнинг бурчига айланишини истардим”.